

**“ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ
ЖАРАЁНИ: “MY.SOLIQ.UZ” ПЛАТФОРМАСИ ВА СОЛИҚ МОБИЛ
ИЛОВАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ”**

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор*

Салиева Мухлиса Мансур қизи

*Қорақалпоқ давлат университети юридика факультети
406-ўқув гуруҳи талабаси*

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини рақамлаштириш жараёни таҳлил қилинди. “my.soliq.uz” шахсий кабинети ва мобил иловалар орқали солиқ тўловчилар учун қулайликлар яратилиши, электрон ҳисобот ва интерактив хизматлар тизимининг самарадорлик ва шаффофликка ҳиссаси ёритилди. Шунингдек, рақамли инфратузилманинг такомиллаштирилиши ва янги инновацияларни жорий қилиш имкониятлари таҳлил қилинди. Мақолада рақамли солиқ хизматларининг аҳоли ва бизнес учун қўлланилиши ҳамда давлат молиясидаги стратегик аҳамияти таъкидланди.

Калит сўзлар: Солиқ маъмурчилиги, рақамлаштириш, my.soliq.uz, электрон хизматлар, давлат–фуқаро муносабатлари, мобил илова, рақамли инфратузилма, очиқлик сиёсати.

Аннотация: В данной статье анализируется процесс цифровизации налогового администрирования в Узбекистане. Были освещены создание удобств для налогоплательщиков через персональный кабинет "my.soliq.uz" и мобильные приложения, а также вклад системы электронной отчетности и интерактивных услуг в повышение эффективности и прозрачности. Также совершенствование цифровой инфраструктуры и возможности внедрения новых инноваций. В статье подчеркивается применение цифровых налоговых услуг для населения и бизнеса, а также их стратегическое значение в государственных финансах..

Ключевые слова: Налоговое администрирование, цифровизация, my.soliq.uz, электронные услуги, государственно-гражданские отношения, мобильное приложение, цифровая инфраструктура, политика открытости.

Сўнгги йилларда глобал миқёсда солиқ маъмурчилигини рақамлаштириш давлат молиясини бошқаришнинг асосий драйверига айланди. Электрон ҳужжат айланиши, онлайн ҳисобот, автоматик солиқ ҳисоблаш механизмлари ва мобил солиқ сервислари солиқ органлари ва тўловчилар учун тезкорлик, шаффофлик ва

самарадорликни таъминлайди. Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш сиёсати доирасида солиқ маъмурчилигини модернизация қилиш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини рақамлаштириш жараёнини ўрганишда аввало, фуқароларнинг солиқ тўлашга доир конституциявий мажбурияти ҳуқуқий тизимнинг негизини ташкил этишини қайд этиш зарур. Ўзбекистон Республикасининг “Конституцияси”нинг 63-моддасига мувофиқ, ҳар бир фуқаро қонун билан белгиланган солиқ ва йиғимларни тўлаши шарт. Солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги керак. [1] Демак, солиқлар давлат–фуқаро муносабатларининг асосий бўғини бўлиб, уларнинг тўланиши фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, иқтисодий онги ва давлатга ишончини акс эттиради.

Фуқаролар меҳнат фаолияти, тадбиркорлик ёки мулкка эгалик қилиш жараёнида муқаррар равишда солиқ муносабатларига дуч келади. Уй-жой, ер, мулк, даромад ва тадбиркорлик айланмаси каби объектлар солиқ солиш тизимининг доимий таркибий қисми ҳисобланади. Шу боис фуқароларнинг солиқ мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва солиқларнинг мақсади ҳақида тўғри ва аниқ маълумотга эга бўлиши рақамли солиқ хизматларидан самарали фойдаланиш учун муҳимдир.

Солиқларнинг моҳияти Солиқ кодексида аниқ белгиланган бўлиб, унга кўра солиқ — давлат бюджети ёки давлат мақсадли жамғармасига мажбурий равишда ундириладиган беғараз тўловдир. Солиқ кодекси 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги асосий солиқлар белгиланади: [2]

1. қўшилган қиймат солиғи;
2. акциз солиғи;
3. фойда солиғи;
4. жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
5. ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
6. сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
7. мол-мулк солиғи;
8. ер солиғи;
9. ижтимоий солиқ.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йиғимлар ҳам белгиланиши мумкин. Йиғимларнинг тартиби Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Давлат божи ҳисоблаш ва ундириш тартиби алоҳида қонунчиликда белгиланади.

Солиқ маъмурчилигини тубдан такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ–5116-сон фармони [3]

билан янги босқичга кўтарилди. Мазкур фармон солиқ юкини камайтириш, бизнес учун қулай муҳит яратиш ва инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида соҳа ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ–6098-сон фармони [4] яширин иқтисодий қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий чора-тадбирларни назарда тутди.

Сўнгги жараёнда, Soliq.uz портали, “my.soliq.uz” шахсий кабинети, “Soliq” мобил иловалари ва бошқа онлайн сервислар ишга туширилди. Бу механизмлар инсон омилини камайтириш, рақамли кузатув ва ҳисобот тизимини мустаҳкамлаш ҳамда коррупция хавфларини минималлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда солиқ тўловчилар реестри, электрон ҳисобварақ-фактуралар, онлайн назорат-касса машиналари ва солиқ ҳисоботлари тўлиқ рақамли инфратузилма орқали амалга оширилмоқда. [5]

Рақамлаштиришнинг стратегик аҳамиятига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2025 йил 7 февралдаги йиғилишда алоҳида тўхталиб: **“Қайси раҳбар рақамлаштиришни кечиктирса, очиқлик сиёсатимизга қарши чиққан бўлади”**, деб таъкидлади. [6] Бу баёнот рақамлаштиришга нисбатан формал ёндашувга чек қўйиб, солиқ органлари учун аниқ масъулиятни белгилади.

Шу билан бирга, рақамли инфратузилма ҳозирги кунда кўп вазифаларни муваффақиятли бажармоқда. Айрим ҳолатларда фойдаланувчилар тажрибаси шуни кўрсатадики, маълум модуллар орасида маълумот алмашинуви янада самарали бўлиши, сервисларнинг функциялари кенгайтирилиши ва мобил интерфейс фойдаланувчи учун осон ва тушунарли қилиб янгиланиши мумкин. Бу эса рақамлаштириш жараёнида узлуксиз такомиллаштириш ва янги инновацияларни жорий этиш имкониятларига эга эканлигини кўрсатади.

Давлат солиқ хизмати органларининг янги **my.soliq.uz «Электрон солиқ хизматлари» портали** 2016 йил 28 апрелда тест режимида ишга туширилди. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади — давлат солиқ хизмати органлари томонидан аҳоли ва бизнесга кўрсатиладиган электрон давлат хизматларини такомиллаштириш, уларнинг харажатларини камайтириш ҳамда солиқ тўловчиларга хизматлардан фойдаланишда қўшимча қулайликлар яратишдан иборат.

Порталнинг бош саҳифаси очилганда давлат солиқ хизмати органи ходими фойдаланувчиларга янги портал имкониятлари тўғрисида қисқача маълумот беради. Бу эса электрон хизматлардан фойдаланишда навигацияни

осонлаштириш ва фойдаланувчиларни порталга тез жалб қилишга хизмат қилади.

Янги порталнинг муҳим янгиликларидан бири – **хизматларнинг тез ва самарали қидирилиши**. Барча электрон давлат хизматлари Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисидаги» Қонун талаблари асосида интерактив ва давлат ахборот хизматларига сараланган. Хизматларни қидириш ва улардан фойдаланиш жараёни янада соддалаштирилган: мурожаатлар, ҳисоботларни юбориш, рўйхатга олиш, солиқларни ҳисоблаш ва маълумотномалар олиш йўналишлари алоҳида блоklarга ажратилган. [7]

Барча тоифадаги солиқ тўловчилар учун **алоҳида шахсий кабинетлар** очилган. Масалан, илгари якка тартибдаги тадбиркорлар учун шахсий кабинет мавжуд эмас эди, энди эса улар ҳам порталда тўлиқ хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга. Шахсий кабинетлар ягона идентификациялаш ахборот тизими орқали фойдаланувчи учун қулай ва хавфсиз киришни таъминлайди.

Шахсий кабинетда хизматлар “Шахсий маълумотлар”, “Ҳисоб китобларнинг жорий ҳолати”, “Солиқ органлари билан ёзишмалар”, “Фойдали маълумотлар” каби навигацияли блоklarга ажратилган. Барча ёзишмалар ва хабарлар алоҳида блокда тўпланган, шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари долзарб жорий маълумотлар ҳам тақдим этилади.

Порталда ҳар бир хизмат учун ягона стандарт ишлаб чиқилган, жумладан қўлланмалар ва жавобгар шахслар ҳақида маълумотлар ҳам мужассамлаштирилган. Солиқ тўловчилар ўз фикрлари ва баҳоларини қолдириши мумкин, солиқ органлари эса уларни ўрганиш ва таклифларини инобатга олиш имкониятига эга.

Эслатиб ўтамиз, янги портал **тест режимида** ишга туширилган ва ушбу давр мобайнида юзага келган камчиликлар аниқланиб, бартараф этилади. Солиқ тўловчилар порталда ҳам янги, ҳам илгари мавжуд электрон хизматлардан фойдаланиш имконига эга. Таклиф ва мулоҳазалар mysoliquz@soliq.uz электрон манзили ёки my.soliq.uz порталидаги «Алоқа» бўлими орқали юборилиши мумкин.

Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини рақамлаштириш жараёни мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш сиёсатининг муҳим қисми бўлиб, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни янада шаффоф ва самарали қилишга қаратилган. “my.soliq.uz” шахсий кабинети ва мобил иловалар орқали солиқ тўловчиларга қулайликлар яратилган, электрон ҳисоботлар ва интерактив хизматлар тизими эса инсон омилини камайтириб, фаолиятнинг тезкор ва самарали бўлишини таъминлайди.

Рақамли инфратузилма доимий равишда такомиллаштирилаётгани ва янги инновациялар жорий қилиниш имкониятлари мавжудлиги

рақамлаштириш жараёнининг барқарорлигини ва самарадорлигини таъминлайди. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан белгиланган очиқлик ва масъулият сиёсати эса солиқ органлари фаолиятида асосий йўналиш сифатида амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, рақамли солиқ хизматлари фақат аҳоли ва бизнес учун қулайликлар яратиб қолмай, балки давлат молиясини бошқаришда самарадорлик ва шаффофликни оширишда ҳам стратегик аҳамият касб этади. Ушбу жараён мамлакат иқтисодиётида рақамли трансформациянинг устувор йўналишларидан бири сифатида аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6098-сон фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, 2020 йил 20 ноябрдаги ВМ-736-сон қарори.
6. <https://president.uz/uz/lists/view/797>
7. <https://old.gov.uz/ru>.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, 07.01.2021 йилдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” 1-сон қарори
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.09.2022 йилдаги ПҚ-374-сон қарори.